

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРВОЗЛАР
ХАВФСИЗЛИГИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ
ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

112 Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаро авиацияси-
да ҳаво транспорти қатновига хизмат кўрсатиш»
авиация қоидаларига (ЎзР АҚ-71) ўзгартириш ва қўшимча
киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил
21 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2194-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 февралдаги 90-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами, 2004 й., 2-сон, 17-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2010 йил 9 декабрдаги 136-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаро авиациясида ҳаво транспорти қатновига хизмат кўрсатиш» авиация қоидаларига (ЎзР АҚ-71) (рўйхат рақами 2194, 2011 йил 10 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 6-сон, 55-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бошлиқ

Т. ЎЛЖАЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 1 февраль,
15н-сон

Ўзбекистон Республикаси
Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш
давлат инспекцияси бошлиғининг 2013 йил
1 февралдаги 15н-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаро авиациясида ҳаво
транспорти қатновига хизмат кўрсатиш» авиация қоидаларига
(ЎЗР АҚ-71) киритилаётган ўзгартириш ва қўшимча**

1. Қуйидаги мазмундаги 4¹-банд билан тўлдирилсин:

«4¹. ЎАНМ инсон омилларини ҳисобга олиш принциплари соҳасидаги тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади.».

2. 58-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«58. Самовий ҳудудда эшелонлаштириш минимумлари Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 апрелдаги 114-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудудидан фойдаланиш тўғрисидаги низомга мувофиқ белгиланади.».

3. Мазкур ўзгартириш ва қўшимча «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан келишилган.

**«Ўзбекистон ҳаво йўллари»
миллий авиакомпанияси
бош директори**

В. ТЯН

2013 йил 29 январь